



??????????.

Рувайфиъ ибн Собит Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга солавог айтиб: “Аллоҳумма анзилҳул мақъадал муқорраба ўиндака явмал қияма” деса, шафоатим унга вожиб бўлади” дедилар”** (Имом Аҳмад ривояти).

**Маъноси:** Эй, Аллоҳим! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни қиёмат куни ҳузурингдаги муқарраб мақомдан жой бергин.

Азон айтилгандан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларига кимдаки, қуйидаги ҳадисда келган дуони қилса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафотлари у кишига ҳалол бўлади.

??? ????? ?? ??? ?????? ??? ?????? ?????? : ?? ?????

????? ??? ?????? ?????? ?????? ??? : " ?????? ??? ??????

????????? ?????????????? : ?????????????? ?????? ??????

????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????

??? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????????

????????????????? ?????????? ?????????? ??? ? ?????????????????? .

????????? ?????? ?????????????????? ?????????? ?????????????????? " ??????

????????? ?? ??????.

Жобир Ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким озон овозини эшитганида: “Аллоҳумма робби ҳазид даъватит таамма вассолатил қоима аати Муҳаммаданил василата вал фазила вабъасху мақомам маҳмуданиллазий ваъдтаҳ” деса, қиёмат куни унга шафоатим ҳалол бўлади” деганлар”** (Бухорий ривояти).

**Маъноси:** Аллоҳим! Эй, ушбу тугал даъватнинг ва қоим бўладиган намознинг роббиси Муҳаммадга василани ва фазилатни бергин ҳамда уни Ўзинг унга ваъда қилган мақоми маҳмудда қайта тирилтиргин.

Имом Байҳақийнинг Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида “دَاعِيَ الْمَوْلَى فَلِحُتِّ الْكَوْنِ” (Албаттас Сен ваъдага асло хилоф қилмассан) деган ибора зиёда қилинган.

?? ??? ????? ?? ????? ??? ????? ????? ? ??? ??? ??  
??? ????? ?? ??? ????? ????? ?? ????? ??? ????? ???  
???????? ??? ????????? ?????? ??? ????? ????? ?? ?????  
??? ?????? ??? ????????? ??? ????????? ?????? ??? ?????  
????? ?? ?????? ??? ?????? ??? ?????????? ??? ??????????  
????? ?? ??? ?????????? ?????????? ?????? ??.

Абу хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки: “Аллоҳумма солли ъала Муҳаммад ва ъала аали Муҳаммад камаа соллайта ъала Иброҳим ва аали Иброҳим ва баарок ъала Муҳаммад ва ъала аали Муҳаммад камаа баарокта ъала Иброҳим ва**

**аали Иброҳим ва тараҳҳам ъала Муҳаммад ва ъала аали Муҳаммад камаа тараҳҳамта ъала Иброҳим ъала Иброҳим ва аали Иброҳим” деса, қиёмат куни унинг фойдасига гувоҳлик бериб, уни шафоат қиламан” дедилар”** (Бухорий ривояти).

Маъноси: Аллоҳим, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг олига Иброҳим алайҳиссалом ва у зотнинг олига солавоат айтганинг каби солавоат айтгин. Аллоҳим, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг олига Иброҳим алайҳиссалом ва у зотнинг олига барака берганингдек барака бергин. Аллоҳим. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг олига Иброҳим алайҳиссалом ва у зотнинг олига раҳм қилганинг каби раҳм қилгин.

???? ????? ?????????????? ?????? ???? ??????? ??????

????? ?????????? ?????? ??????? ?????? ??????????

????????????? : " ???? ??????? ??????

????????????????????????????? ?????????????? ???? ????????

????????????? ?????????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????

????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????????????? " .

*Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:**

**«Кимки умматимнинг диний ишларига тегишли қирқта ҳадисни ёд олса (ва уни уларга етказса), Аллоҳ уни фақиҳ ҳолида тирилтиради ва қиёмат куни мен унга шафоатчи, унинг фойдасига гувоҳлик бергувчи бўламан».**